

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ

---

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**ДЖУСУВОВ НУРСУЛТАН МАХАМБЕТ УЛИ**

**ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ БАДНИЙ МАТНДА ИЛГАРИ СУРИШ  
ВОСИТАЛАРИНИНГ КОГНИТИВ-СТИЛИСТИК АСОСЛАРИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австрали халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Джусупов Нурсултан Маханбет ули**

Инглиз тилидаги бадний матнда илгари сурни воситаларининг  
когнитив-стилистик асослари..... 3

**Джусупов Нурсултан Маханбет ули**

Когнитивно-стилистические основы выдвигения в англоязычном  
художественном тексте..... 37

**Dzhusupov Nursultan Mahanbet uly**

Cognitive stylistic bases of foregrounding in the English literary  
texts..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 76

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.FB.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**ДЖУСУПОВ НУРСУЛТАН МАХАМБЕТ УЛИ**

**ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ БАДИИЙ МАТНДА ИЛГАРИ СУРИШ  
ВОСИТАЛАРИНИНГ КОГНИТИВ-СТИЛИСТИК АСОСЛАРИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австрали халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси манускри Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1.DSc/FH156 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Узбекистон давлат тили ва адабиёти университетида беварақлигини.

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-сайтида (portal.tlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот тақдим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Ашуропа Дилорам Умаровна  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Сафаров Шахриёр Сафарович  
филология фанлари доктори, профессор

Холматов Гафуров Мирзахметович  
филология фанлари доктори, профессор

Ларина Татьяна Викторовна  
филология фанлари доктори, профессор

**Етабачи таъинловчи:** Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳақида Узбекистон миаллий университети ҳузуридаги ҳимий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FH.01.10 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил 17 июль соати 11.00даги мажлисида бўлиб ўтди. Маълум: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62, (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@tlu.uz.

Диссертация битта Узбекистон Миаллий университетининг Ахборот-ресурс марказида таъинловчи муомил 47 рақамли билан рўйхатга олинган. Маълум: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация авторферати 2020 йил 17 июль куни тарқатилди.  
(2020 йил 17 июль даги 4 рақамли реестр баённомаси).

  
А.Г. Шереметьева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши раиси, филол. ф.д., профессор  
Г.С. Курбанова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши котиби, филол. фанлари бўлимида йетишсиз доктори (PhD)  
И.А. Саддиқова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши котибидан илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослиги ривожланаётгани боис тил воситаларидан фойдаланишнинг эстетик ўзига хос хусусиятлари ва креатив имкониятларини ақс эттиришнинг нисбатан ёрқин ва самарали усули ҳисобланган стилистик илгари суриш ҳодисасини илмий асосда ўрганишга кизиқоши ортиб бормоқда. Илгари суриш назарияси, хусусан, инглиз тилидаги бадний матнларда илгари суриш воситаларининг воқеланишига хос хусусиятларга доир муаммоларни когнитив-стилистик тадқиқ этиш замонавий тилшунослиқдаги долзарб истиқболли йўналиш бўлиб, унинг муҳимлиги илгари суришнинг турли лингвистик шакллари ва воситалари бадний асар муаллифининг лингвокреатив тафаккурида интеграциялашуви билан белгиланади. Илгари суриш ҳодисасини когнитив жиҳатдан ўрганиш тил имкониятларининг стилистик модификациялари ва когнитив структуралари ўртасидаги ўзига хос алоқалар мавжудлигини батафсил очиб бериш имкониятини беради.

Ҳозирги пайтда жаҳон тилшунослиғида лисоний ва ментал воқеланиш нисбати масаласини турли тилдаги матнлар асосида тадқиқ этиш муҳим вазибалардан бири бўлиб келмоқда. Шу боис антропоцентриқ омиллар билан боғлиқ тил ва нутқ ҳодисалари соцуолингвистика, коммуникатив прагматика ҳамда когнитология фанлари кесинишда синчиқлаб ўрганилмоқда. Билим структураларининг узатилиши, турли тилдаги дискурсларда лисоний ва когнитив механизмлар воқеланишидаги ўзига хосликларни ўрганиш бўйича бир ва кўп тиллар доирасидаги тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, когнитология, прагматика ҳамда корпус лингвистикаси соҳаларидаги эришилган назарий ва амалий ютуқлар асосида матн бирликлари, хусусан, ифода воситаларини таҳлил қилишнинг янги усуллари, амаллари ва техникалари таякомлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида тилшунослик тараққиётида рўй берган муайян ўзгаришлар тил ва теварақ атрофдаги воқелик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Халқаро коммуникацияда инглиз тили етакчи макенга эга эканлиги бу тилнинг стилистик хусусиятларини ҳам дунё миқёсида, ҳам Ўзбекистон Республикасидаги хорижий тиллар контекстида ўрганиш истиқболларини белгилаб берди. Глобаллашув даврида чет тилларни ўрганиш тизимини, фан ва таълим интеграцияси жараёдаларини таякомлаштиришнинг муҳим омили сифатида қаралиши «нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавийт керак»лиги билан белгиланади. Шу муносабат билан когнитивизм тамойиллари ва фундаментал ҳолатлари доирасида инглиз тилидаги бадний матн материалларида илгари суриш назарияси тадқиқи аниқда теран ва ўзига хос

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентини Шайхид Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Муражатиниқои. 24.01.2020 й. интрон: шундан: <http://ana.uz/uz/politika/zbekiston-respublikasi-presidenti-shayxid-mirziyevning-oliy-25-01-2020>

хусусият касб этади ва у замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларини самарали ечиш учун янги имкониятлар оцеди.

Маъжур диссертация таджикоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлатириш буйича Харакалар стратегияси тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПК-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлатириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПК-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори; шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш сифатини такомиллаштириш буйича чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлатириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРК-576-сонли «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» Қонуни ҳамда маъжур фаолиятларга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Таджикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мўслиги. Диссертация таджикоти Республика фан ва технологияларни ривожлатиришнинг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, исчисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлатиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бақаришган.

Диссертация мавзуси буйича хорижий илмий таджикотлар шарҳи<sup>2</sup>. Когнитив лингвистиканинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган илмий таджикотлар когнитив лингвистика, стилистика ва поэтика соҳасидаги халқаро ҳамда ҳудудий ассоциациялар: – International Cognitive Linguistics Association (ICLA), UK Cognitive Linguistics Association (UK CLA), Poetics and Linguistics Association (PALA), Société de Stylistique Anglaise (SSA), Россия когнитолог-тилшунослар ассоциацияси (РАЛК) ва бошқалар томонидан амалга оширилмоқда.

Етажчи хорижий илмий таджикот марказлари, олий таълим муассасаларида когнитив лингвистика ва илгари сурини назарияси буйича таджикотлар олиб борилмоқда. Илгари сурини масаласига доир таджикотларнинг асосий натижалари куйидагилардан иборат: илгари

<sup>2</sup> Маъжур илмий куйидаги манбаълар асосида тайқилинган: [www.edu.uz](http://www.edu.uz), [academia.edu](http://academia.edu), [www.cognitivelinguistics.org](http://www.cognitivelinguistics.org), [www.uk-cla.org.uk](http://www.uk-cla.org.uk), [www.pala.ac.uk](http://www.pala.ac.uk), [www.stylistique-anglaise.org](http://www.stylistique-anglaise.org), [www.ralk.info](http://www.ralk.info), [www.linguistics.ac.uk](http://www.linguistics.ac.uk), [www.stige.it](http://www.stige.it), [www.lerzan.aph.ru](http://www.lerzan.aph.ru), [www.cml.edu.cn](http://www.cml.edu.cn), [www.gla.ac.uk](http://www.gla.ac.uk), [www.en-iso-omachen.de](http://www.en-iso-omachen.de), [www.uiberta.es](http://www.uiberta.es), [www.ucl.ac](http://www.ucl.ac), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.linguist.ru](http://www.linguist.ru)

суришнинг асосий турлари ва воситалари аниқланган (Lancaster University, Буюк Британия; А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети, Россия; И.И. Мечников номидаги Одесса миллий университети, Украина); илгари суриш ҳодисасининг барча жанр ва турдаги матлавлар учун универсал характери кўриб чиқилган (University of Genoa, Италия); илгари суришнинг китобхон оғтига самарали таъсири хусусиятлари ўрганилган (University of Glasgow, Буюк Британия; University of Munich, Германия; University of Alberta, Канада); илгари суриш матни ўқиб жараёнида кечадиган психологик эффект сифатида тадқиқ қилинган (University of Amsterdam, Нидерландия); матн орқали илгари суриш воситаларининг қабул қилинишига оид ўзига хосликлар юзасидан экспериментал тадқиқотлар ўтказилган (University of Munich, Германия); матнда илгари суриш воситалари воқеаланишининг лисоний механизмлари ва функционал ўзига хосликлари аниқланган (М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Москва давлат лингвистика университети, Россия); бадий матнда илгари суриш воситаларини когнитив-стилистик таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тилилари университети, Ўзбекистон).

Бугунги кунда дунё тилшунослиги ривожланиши контекстида бадий матн стилистикаси соҳасига доир қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб бориламоқда: когнитив стилистика, прагматик стилистика, коммуникатив стилистика, функционал стилистика, тарихий стилистика, қиёсий стилистика, нарратология, корпус стилистикаси, танқидий стилистика, стилистикага аффектив-эмоционал ёндашув, феминистик стилистика, бадий фильмлар стилистикаси, мультимодал стилистика, педагогик стилистика. Стилистик усуллари матннинг яратилиш, тушунилиш ва талқин қилиш жараёнларида инсон омили ва агардаги борлиқнинг ўзаро таъсири муаммолари призмасида ўрганишга доир фанлараро мажмуавий ёндашув мазкур барча йўналишларни ўзаро боғлаб туради. Хусусан, матн стилистикасига доир когнитив ёндашув доirasида стилистик воситалар, стилистик категориялар ва функционал-стилистик хусусиятларнинг когнитив жараёнлар, структуралар билан мустахкам алоқдорликдаги муносабатлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослиги тарихий тараққиётида когнитив тилшунослиқнинг назарий ва амалий аспектилари Дж. Лакофф, М. Даксон, Е. Семино, Дж. Кальлепер, П. Стожуэлл, П. Симпсон, К. Гамильтон, Л.Г. Лузина, Г.Г. Молчанова, В.А. Маслова, Ж.Н. Маслова ва бошқа хориқлик мутахассислари ишларида тадқиқ қилинган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Lakoff G., Johnson M. *Metaphors We Live by*. – Chicago/London: The University of Chicago Press, 1980. – 241 p.; Semino E., Calpeper J. Foreword // *Cognitive Stylistics: Language and Cognition in Text Analysis* / Semino E., Calpeper J. (eds). – Amsterdam: John Benjamins, 2002. – P. IX–XVI; Semino E. A Cognitive Stylistic Approach to Mind Style in Narrative Fiction // *Cognitive Stylistics: Language and Cognition in Text Analysis* / Semino E., Calpeper J. (eds). – Amsterdam: John Benjamins, 2002. – P. 95–122; Stockwell P. *Cognitive Poetics: An Introduction*. – London: Routledge, 2002. – 204 p.; Simpson P. *Stylistics: A Resource Book for Students*. – London: Routledge, 2004. – 247 p.; Hamilton C. *Stylistics or Cognitive Stylistics?* // *Bulletin de la Société de Stylistique Anglaise*. 2006. – № 18.

Матн лисоний барилқлари ва стилстик ҳодисаларининг когнитив ёшунтирилганлигини ўрганиш билан боғлиқ масалалар Д.У. Ашурова, А.А. Абдуазизов, Г.Х. Бакиева, У.К. Юсупов, Ш. Сафаров, А.А. Талжибаева, А.А. Дусебаева, М.Р. Галиева, Н.З. Нормуродова ва бошқа ўзбек талқинотчиларининг ишларида кўриб чиқилган<sup>1</sup>.

Илгари суриш назариясининг методологик масалаларига дастлаб рус формал мактаби ва Прага тишувослик тўғраги намояндлари: В.Б. Шкловский, Я. Мукаржовский, Б. Гавранекларнинг талқинотларида эътибор қаратилган<sup>2</sup>. Илгари суриш ҳодисасининг дингностиклик талқини кейинчалик С. Левин, Дж. Лич, М. Шорт, Ж. Даутвайте, Л. Джефрит, Д. Макинтайр, И.В. Арнольд, В.А. Кухаренко, Н.С. Болотнова, Д.М. Бузаджи ва бошқаларнинг ишларида махсус кўриб чиқилган<sup>3</sup>. Салментлик (ажратилганлик) муаммоси ва илгари суриш жараёнлари когнитивизм тамойиллари ҳамда қонунятлари доирасида М.А. Халлидэй, Л. Тэли, Д. Лэмскер, У. Ван Пиар, Х. Шмид, П. Стокулл, А.Р. Армеена, Е.С. Кубрякова, О.К. Ирсханава, Г.Г. Молчанова, Д.У. Ашурова,

– Р. 35-65; Лузина Л.Г. Основные направления развития современной стилистики // Лингвистические исследования в конце XX в.: Сб. обзоров – М.: ИНИОН РАН, 2000. – С. 205-214; Молчанова Г.Г. Когнитивная стилистика и стилистическая типология // Восток МГУ. Серия 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2001. – № 3. – С. 60-71; Маслова В.А. Поэтический текст. Новые подходы и решения. – М.: Филол. Наука, 2016. – 320 с.; Маслова Ж.Н. Краткое описание основных понятий когнитивного исследования поэтического текста // Известия ВПГУ. Серия Филологические науки. – 2011. – № 2 (56). – С. 38-42.

<sup>1</sup> Ашурова Д.У. Стилевая тексты в парадигме когнитивной лингвистики // Филология масаллари. – 2003. – № 1. – С. 41-45; Ашурова Д.У. Стилевая тексты в свете когнитивной теории языка // Убаксистода хаворий тилор/Икстраник тиллар ва Ўзбекистонда. Научно-методический заочный журнал. – 2018. – № 2 (21). – С. 104-110. <https://doi.org/10.26907/2541-7746.2018.02.104-110>; Абдураманов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики // Хаворий филология: таъ, адабиёт, тиллар. – 2007. – № 3. – С. 5-6; Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 46 с.; Юсупов У.К. Матн, тушунча, қонун ва дингкультурага асослари асосида // Стилевая тексты: когнитивный подход // Илгари суриш. Илмий-инновационные исследования интернациона. – Ташкент: ҶДҚТҲ, 2011. – Б. 49-55; Сафаров Ш. Когнитив лингвистика. – Жизил: Санъат нашриёти, 2006. – 93 б.; Талжибаева А.А. Социокультурная и когнитивная аспекты лингвистического исследования эффеомов в английском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2006. – 25 с.; Дусебаева А.А. Лингвистические и интерсубъективные культурологические аспекты английского языка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 2009. – 27 с.; Галиева М.Р. Когнитивный подход к анализу поэтического текста в ретроспективной картине мира // Вопросы когнитивной лингвистики. – 2014. – № 2. – С. 36-63; Нормуродова Н.З. Выражение языковой личности в художественном дискурсе (на материале английского языка). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 2012. – 26 с.

<sup>2</sup> Шкловский В.Е. Искусство как процесс // Поэтика. – Петроград: Изд-во Гос. типографии, 1919. – С. 101-114; Мукаржовский Я. Литературный язык и поэтический язык // Правский лингвистический журнал. – М.: Прогресс, 1967. – С. 406-431; Гавранек Б. Задачи литературного языка и его культуры // Правский лингвистический журнал. – М.: Прогресс, 1967. – С. 338-377.

<sup>3</sup> Levin S. R. Internal and External Deviation in Poetry // Word. – 1965. – No. 21. – P. 225-237; Leech G.N. A Linguistic Guide to English Poetry. – London, New York: Longman, 1969. – 237 p.; Leech G. Language in Literature: Style and Foregrounding. – Harlow, England; New York: Pearson/Longman Education, 2008. – 240 p.; Short M. Exploring the Language of Poems, Plays and Prose. – London: Routledge, 1996. – 416 p.; Doublavaite J. Towards a Linguistic Theory of Foregrounding. – Alexandria: Edizioni/Oriens, 2000. – 404 p.; Jeffries I., McIntyre D. Stylistics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – 242 p.; Арнольд И.В. Стилевая. Современный английский язык: Учебник для вузов. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Филол. Наука, 2002. – 384 с.; Кухаренко В.А. Интерсубъективный текст. – 2-е изд., перераб. – М.: Просвещение, 1988. – 192 с.; Болотнова Н.С. Филологический анализ текста. Учеб. пособие. – М.: Филол. Наука, 2009. – 520 с.; Бузаджи Д.М. «Ограниченность» в аспекте осознаваемой стилистики и его передача в перевод (на материале английского и русского языков). Дис. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – 206 с.



М.Р. Галиева, Т.В. Васильева, М.И. Кюсе сизгари тадқиқотчиларнинг ишларида баъифсиқ ўрганилган<sup>1</sup>.

Илгари суриш назариясининг кўпгина жиҳатлари, хусусан, когнитив-стилистик асос сифатида тил ва нуқтада салментлик (ажратилганлик) хусусиятларининг юзага чиқиши масалалари ханузгача атрофлича тадқиқ қилинмаган. Шу босе бадий матида илгари суриш воситаларининг когнитив-стилистик асосларини илмий муаммо сифатида назарий жиҳатдан ўрганиш ҳамда унинг амалий имкониятини ҳаётга тадбиқ этиш бадий матиларнинг турли корпуслари материаллида мажмуавий тадқиқ қилишнинг энг самарали ва истиқболли йўлидир. Бунда эса, энг аввало, лисоний ва ментал репрезентациялар (тасаввурлар)нинг, тил ва олам ҳақидаги билимларининг бир-бирига ўзаро таъсирини, албатта, ҳисобга олиш зарур.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари», «Инглиз тилини ўрганишнинг назарий ва амалий аспектаари» йўналишлари бўйича амалга оширилайётган илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз тилидаги бадий мати материали асосида илгари суриш воситаларининг юзага келиши ва уларнинг матида воқеланишининг ўзига ҳослигини белгилловчи турли аттрактив (жозибадор) хусусиятлар, когнитив жарёнлар, билим структуралари ҳамда функционал белгилар мажмуини аниқлаш орқали илгари суриш воситаларининг когнитив-стилистик асосларини ўрганишдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

илгари суриш ҳодисасини когнитив-стилистик ўрганишнинг назарий ва амалий асосини кенгайтириш ва унинг инглиз тилидаги бадий матида ахборотни лисоний ва ментал ифодалаш корреляциясининг ўзига ҳослигини белгилловчи когнитив-стилистик ҳосилда ва мажмуавий механизм сифатидаги фарқли жиҳатларини аниқлаш;

<sup>1</sup> Halliday M.A.K. *Linguistic Studies of Text and Discourse (Collected Works of M.A.K. Halliday)*. Vol. 2. – London, New York: Continuum, 2002. – 320 p.; Talmy L. *How Language Structures Space // Spatial Orientation: Theory, Research and Application* / Pick H.L., Acarolo L.P. (eds). – New York, London: Praeger Press, 1983. – P. 225-282; Langacker R.W. *Foundations of Cognitive Grammar*, Vol. 1: *Theoretical Prerequisites*. – Stanford, CA: Stanford University Press, 1987. – 540 p.; Langacker R.W. *Reference-point Constructions // Cognitive Linguistics*. – 1993. – Vol. 4. – No. 1. – P. 1-36; Van Peer W. *Stylistics and Psychology: Investigations of Foregrounding*. – London: Croom Helm, 1986. – 220 p.; Schmid H. *Entrenchment, Salience, and Basic Levels // The Oxford Handbook of Cognitive Linguistics* / Goldberg D., Crocchiolo H. (eds). – Oxford: Oxford University Press, 2007. – P. 117-138; Stockwell P. *Cognitive Poetics: An Introduction*. – London: Routledge, 2002. – 204 p.; Арсенов А.Р. *Когнитивная категория модальности и ее языковая корреляция: аспекты теории и процессы вербализации визуальной информации. Дис. ... канд. филол. наук.* – М., 2001. – 317 с.; Кубрякова Е.С., Ирисавилова О.К. *К вопросу о природе объяснений в лингвистике // Кубрякова Е.С. В поисках суверенной мысли. Когнитивные исследования / Изв. Языковедческого РАН.* – М.: Язык, 2012. – С. 181-194; Ирисавилова О.К. *Игра фокуса в языке. Семантика, синтаксис и прагматика дефокусирования* – М.: Язык славянской культуры, 2014. – 320 с.; Мольганова Г.Г. *Акцентуация как переводчик: язык, стиль, культура, коммуникатив* – М.: ОЛМА Медиа Групп, 2007. – 384 с.; Ashbyeva D.U., Ashbyeva M.R. *Cognitive Linguistics* – Ташкент: VneshinvestPrint, 2018. – 260 p.; Васильева Т.В. *Когнитивная металингвистика: формирование и функционирование категории // Вестник Московского университета. Серия 19. Лингвистика и языковедение коммуникатив* – 2006. – № 1. – С. 154-171; Кюсе М.И. *Когнитивная-функциональная особенности перифокусирования в нейтральной номинации: аспекты семантики // Вопросы когнитивной лингвистики* – 2013. – № 3 (036). – С. 25-33.

илгари суриш воситаларининг аттрактив (жозибадор), концептуал-мазмуний ва функционал ўзига хосликларини очиб беришга йўналтирилган когнитив-стилистик таҳлил қилишнинг янги мажмуавий методикасини ишлаб чиқиш;

илгари суришнинг турли механизмлари (дисоний девиациялар ва параллелизмлар)нинг аттрактив хусусиятлари ҳамда инглиз тилидаги бадний матнда ажратилганлик хусусиятлари амал қилишнинг белгилловчи асосий когнитив структуралар ва тамойилларини аниқлаш;

стилистик ва когнитив белгилар ўзаро чамбарчас алоқадорлиги аспектида илгари суриш воситаларининг функционал ўзига хослигини аниқлаш ва тизимлаштириш;

аттрактив (жозибадор) хусусиятлар, когнитив структуралар ва функционал ўзига хосликларни синтез қилиш асосида инглиз тилидаги бадний матнда илгари суриш воситалари воқеаланишнинг умумий когнитив-стилистик имкониятини аниқлаш;

интерпретациялаш (талқин қилиш) фреймнинг билим фрагментларини актуаллаштиришга қаратилган турли илгари суриш воситаларининг юзага чиқишнинг ҳисобга олган ҳолда, бадний (насрий) асар сарлавҳасини когнитив-стилистик таҳлил қилишнинг уч босқичли, яъни матндан олдинги, матн ичидаги ва матндан кейинги босқичлардан иборат мажмуавий моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср Буюк Британия ва Америка адабларининг инглиз тилидаги шеърий ва насрий асарлари матнда мавжуд илгари суриш воситалари танланган.

Тадқиқотнинг предметида инглиз тилидаги шеърий ва насрий асарлар матнда мавжуд илгари суриш воситаларининг когнитив-стилистик ўзига хослигини белгилловчи дисоний ва когнитив механизмлар таъкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион ишда умумий ва махсус лингвистик тадқиқот методлари: тавсифий метод, компонент таҳлил методи, лугит дефиницияларини таҳлил қилиш методи, семантик-стилистик метод, информაციон-мазмуний метод, когнитив моделлаштириш методи, фреймни таҳлил методи, когнитив-концептуал метод, контекстуал таҳлил методи, қислаш методи қабул қўланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илгари суриш ҳодисасини тил воситалари индивидуал-муаллифлик модификацияси ва билим структуралари интеграцияси асосида бадний матнда дхборотни дисоний ҳамда ментал инфодалашнинг ўзаро таъсирига хос хусусиятларни акс эттирувчи кўп қиррали когнитив-стилистик ҳосила, мажмуавий механизм сифатида асосланган;

илк бор инглиз тилидаги бадний матн материаллари мисолида илгари суриш воситаларини когнитив-стилистик таҳлил қилишнинг аттрактив (жозибадор), концептуал-мазмуний ва функционал хусусиятларини очиб беришга йўналтирилган мажмуавий методикаси ишлаб чиқилган;

хлнт ҳолда инглиз тилидаги бадний матнда илгари суриш воситалари (дисоний девиациялар ва параллелизмлар)нинг шаклланиш ва амал

қилиндаги ўзига хослигини, умумий ажратилганлик хусусиятини белгиловчи турли илгари суриш усул ва механизмларининг контекст билан боғлиқ стилистик белгилари аниқланган;

илгари суришга матида муайян мазмуннинг шаклланиши, ахборотнинг модификацияланган репрезентацияси ва адресатга коммуникатив-прагматик таъсир кўрсатишга йўналтирилган муҳим субъектив шартланган когнитив-стилистик механизм сифатида функционал юқланганлик жараёнининг лингвистик ва экстралингвистик жиҳатлари аниқланган;

илгари суриш воситаларининг ташқи ўзига ҳос аттрактив (жозибадор), концептуал хусусиятлари ва функционал тавсифларининг ўзаро алоқадорлигини ифодаловчи когнитив-стилистик имконияти асосланган;

бадий асар сарлавҳасини когнитив-стилистик таҳлил қилишнинг концептуал-мазмуний структурадаги компонентларни ифодалашга хизмат қиладиган илгари суриш воситаларини аниқлаш ва тавсифлашга асосланган уч босқичли (матндан олдинги, матн ичидаги ва матндан кейинги босқичлардан иборат) мажмуавий модели илк марта ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Диссертацион иш натижалари германистика (англистика), когнитив лингвистика, когнитив стилистика, когнитив семантика, умумий ва ҳибсий стилистика, матн лингвистикаси, риторика ва поэтика соҳаларидаги тадқиқот ҳамда ишлашималарга муайян ҳисса бўлиб қўйилади.

Инглиз тилидаги бадий матн материалда мавжуд илгари суриш ҳодисасининг когнитив-стилистик тадқиқи лисоний инновацияларнинг ишлатилиш эстетик қадрияти ва креатив ўзига хослигини белгилайди, шунингдек, замонавий ривожланиш босқичида инглиз адабий тилининг амал қилишига доир ўзига хосликларни ёритиш имконини беради;

Турли илгари суриш воситаларининг аниқланиши ва таҳлил қилиниши бадий матн материалдан инглиз тили воситаларининг стилистик модификацияланган эксплуатацияси ҳамда индивидуалнинг лингвокреатив имконияти, стилистик хусусиятлари, тафаккур тарзи, дунёни идрок этиш усули воқеланишининг ўзига хослигини белгиловчи устувор «тажриба майдончаси» сифатида фойдаланишнинг самарадорлигини вужудга келтиради.

Тадқиқот натижалари илгари суриш ҳодисасининг лингвистик табиати, унинг шаклланиши ва амал қилишининг лисоний ҳамда когнитив механизмлари ҳақидаги назарий тасавурларни кенгайтириш ва тўддириш имконини беради, шунингдек, айрим лингвистик ва фанларaro ёндашувларни қўллаш жиҳатидан илгари суриш назариясининг истиқболдаги ривожига хизмат қилади;

Илгари суриш воситаларини когнитив-стилистик таҳлил қилишга доир ишлаб чиқилган мажмуавий методика келгусида турли тиллардаги бадий матнлар материали мисолда стилистик воситалар доирасида тил ва ментал структураларнинг ўзаро таъсирига ҳос хусусиятларни тадқиқ қилиш учун муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга;

Тадқиқот натижалари шаклан кўп қиррали, маъмуан эса тил воситалари бадний нутқнинг «регулярлик (мунтазамлик)» ва «иррегулярлик (номунтазамлик)» хусусиятларини актуаллаштиришга асосланган когнитив-стилистик ҳосилалар сифатида илгари суриш воситаларини ўрганишга нисбатан интегратив ёндашувни қўллашнинг устуворлигини белгилаб беради;

ОТМ таълим жараёнида инглиз тилидаги бадний матн стилистик табиатини ўрганиш учун илгари суриш воситаларини когнитив-стилистик таҳлил қилиш мажмуавий методикасини қўллаш бўйича назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; умумлингвистик ва когнитив-стилистик асос, аниқлаш нуқтан назаридан илгари суриш назарияси долзарб муаммолари бўйича маъруза матилари тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ёндашувлар, таҳлил методлари, умумилмий назариялар ва тил олинган лингвистик концепцияларнинг қўлланилиши; таҳлилга тортилган катта ҳажмдаги фактик материал ва амалга оширилган тадқиқот натижаларининг диссертацион ишдаги назарий ҳолатларга мувофиқлиги; ОАК томонидан тавсия қилинган республика миқёсидаги ва хорижий журналларда, республика ва хорижий илмий конференциялар тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги; хулоса ва тавсияларнинг амалиётга таъбиқ этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, инглиз тилидаги бадний матн материали асосида илгари суриш воситаларини когнитив-стилистик тадқиқ этиш стилистик илгари суриш жараёниларининг умумий лингвистик табиатини кенгрок ва чуқуррок очиб бериш ҳамда тавсифлаш имконини беради; замонавий тилшуносликдаги назарий қонуниятларнинг амалий аспекти самарадор ва истиқболли эканлигини тасдиқлайди; билиш ва унинг ментал репрезентацияси диссоний ҳамда полисоний тузилишидаги корреляцияларидан келиб чиқиб, бадний матн ҳамда кенг доирадаги стилистик ҳодисаларга доир муаммоларни ўрганиш ва ечимини топишнинг янги йўлларини очиб беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари ва материалларидан олий ўқув юрталари ўқув жараёнида умумий тилшунослик, когнитив тилшунослик, матн стилистикаси ва интерпретацияси, матн лингвистикаси, лингвопрагматика, лингвокультурология фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини тайёрлаш ва ўтказишда; когнитив стилистика, умумий ва киёсий стилистика, матн семантикаси юзасидан махсус курслар бўйича маърузалар ўқишда; дарслик ва қўлланмалар яратиш, махсус лингвистик дугитлар ва маълумотномалар тузиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Инглиз тилидаги бадний матнда илгари суриш воситаларининг когнитив-стилистик асосларини тадқиқ қилиш жараёнида зринилган назарий қарашлар ва амалий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил таракқиётининг деривацион конунитлари» номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3615-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳани амалга оширишда замонавий тилшуносликнинг илмий билишга доир етакчи парадигмалари, сўзнинг бадий матндаги лингвокогнитив таҳлили, когнитив стилистика ривожининг муҳим когнитив тамойиллари ҳақидаги назарий ва амалий қарашлардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши турли тизimli тилларда лексик бирликларни янада чуқурроқ таҳлил қилишга, грамматик ва лексик-семантик воситаларининг матндаги деривацион ўзига хосликларини аниқлаш, шунингдек, уларни қиёсий-типологиялик ёндашуви асосида махсус ўрганишга хизмат қилган;

И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3615-сонли маълумотномаси). Лойиҳа доирасида лингвистик таҳлилнинг инновацион методлари, замонавий стилистиканинг назарий ва амалий масалалари, матнда илгари суриш стратегиясини амалга оширишнинг ўзига хослиги ҳамда узи лингвокогнитив ёндашуви асосида ўрганиш ҳақидаги назарий ва амалий маълумотлардан фойдаланилган. Натигада, тадқиқот материалларининг қўлланилиши замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари ва таҳлил методларини батафсилроқ ўрганиш, инглиз тили назарияси асослари бўйича виртуал ресурслар (электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, матруза матилари)нинг мазмунини бойитишга замин яратган;

ИТД-1, А-1-209 рақамли «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашуви нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар дугатани тузиш» номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3615-сонли маълумотномаси). Лойиҳада когнитив стилистиканинг назарий асосларини таҳлил қилиш ва тавсифлаш, илгари суриш стратегияси ва типологияси (лисоний девияциялар ва параллелизмлар), ментал жараёнлар ва билиш структураларининг матнда фойдаланиши бўйича тўпланган маълумотлар фаол ишлатилган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши когнитив тилшунослик ва илгари суриш назариясининг муҳим муаммоларини чуқур ва атрофлича ўрганиш, мантик лингвистикаси, когнитив лингвистика ва бадий мантик стилистикаси бўйича ўқув қўлланмаларининг мазмунини бойитиш имконини берган;

ОТ-А1-018 рақамли ПТД-1-07 «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-стилистик мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3615-сонли маълумотномаси). Лойиҳа доирасида стилистик воситаларининг лингвокогнитив таҳлил методлари, лингвостилистиканинг назарий ва амалий аспекти, замонавий

лингвистиканинг устувор йўналишлари ривож ўзига ҳосиллари ҳақидаги маълумотлар кенг қўлланилган. Тадқиқот натижаларининг қўлланилиши тилшунослик асослари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар мазмунини тилшунослик фаннинг замонавий босқичдаги асосий ривожланиш тенденция ва тамойиллари ҳақидаги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган;

ОТ-А1 -018 рақамли «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-модия терминларининг кўп тилли лугатларини яратиш» номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3615-сонли маълумотномаси). Бунда лексик бирликларни ўрғанишнинг антропоцентрик ва фанлараро характери, уларни тизимли таҳлил қилиш ва тавсифлашнинг когнитив-стилистик аспекти ҳақидаги материаллардан самарали фойдаланилган. Диссертацион тадқиқот натижаларининг жорий этилиши лойиҳа доирасида тузилган кўп тилли лугатларнинг мазмунини бойитиш ва такомиллаштиришга хизмат қилган;

А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик файлари бўйича аудиокиноб тўғрисида яратиш» номли амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3615-сонли маълумотномаси). Лойиҳа доирасида замонавий лингвистика ва матн стилистикаси, хусусан, когнитив стилистика ва илгари сурин назарияси тараққиёти (когнитив стилистика ривожининг асосий омиллари, матнда илгари сурин воситалари ва тишлари, уларнинг ментал жараёнлар ҳамда бизниш структуралари)нинг ўзига ҳослиги ҳақидаги алоҳида назарий хулосалар ва амалий тавсиялар самарали қўлланилган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши замонавий тилшуносликнинг устувор тенденциялари, йўналишлари ва ривожланиш тамойилларига мувофиқ аудиокиноблар мазмунни такомиллашгани ва бойитилишидан далолат беради;

диссертацион тадқиқот материаллари ва натижаларидан Project Tempus 544161-TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University «Developing the Teaching of European Languages: Modernising Language Teaching through the development of blended Masters Programmes» (National Erasmus+ Office – Uzbekistan Per. 2019 йил 28 декабрдаги NEO – 192 рақамли маълумотномаси) лойиҳасини амалга оширишда, хусусан, English Language Improvement, Foreign Language Teaching Methodology ўқув моделларини ишлаб чиқиш жараёнида, лингвистик ОТМ томонидан магистрлар учун дастурларни жорий қилишда фойдаланилган. Тадқиқот материаллари ва натижаларининг қўлланилиши илгари сурин воситаларини лисоний инновациялар генераторлари сифатида кенгрок тавсифлашни таъминлаган ва шу орқали ОТМда инглиз тилига касбий-йўналтирилган таълим жараёнини модернизациялаш ва такомиллаштиришга замин яратган;

диссертацион тадқиқот натижалари ва инглиз тилидаги бадний асарларнинг стилистик ўзига ҳосилларини таҳлил қилиш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг

«O'zbekiston» telekanalida «Assalom, Ўзбекистон!» ва «Тинга эътибор» телекурсутовуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston teleradiokanali» давлат унитар корхонасининг 2019 йил 8 октябрдаги 02-13-2479-сонли маълумотномаси). Диссертацияда тадқиқот илмий натижаларининг жорий қилиниши телекурсутовулар сценарийсининг самарали ёзиллишига ва уларнинг умумилмий, маънавий-маърифий мазмун билан бойитилишига замин яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Маъмур тадқиқот натижалари 25 та халқаро ва 4 та республика шўмушида илмий маърузалар қуринишида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 54 та илмий иш чоп этилган, шундан, 1 та монография ва 24 та илмий мақола чоп этилган. Улардан – 14 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 206 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, диссертация мавзусига доир хорижий адабиётлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг максад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, асосий тадқиқот методлари кўрсатилган, ишнинг илмий инлиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Когнитив стилистика ва баъдий матнда илгари суриш жараёналари**» деб номланган биринчи бобида илгари суриш ходисасини ўрганиш учун методологик асос сифатида когнитив стилистиканинг назарий масалалари, муҳим муаммолари ва ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилди, илгари суриш назарияси шаклланиши ва тараққиётига доир умумий ҳамда айрим масалалар ўрганилди, илгари суришнинг асосий тизлари ва воситалари системалаштирилди, лисоний девиация ва параллелизмнинг илгари суришнинг баъдий матндаги муҳим лисоний механизмлари сифатидаги ўзига хосликлари таҳлил қилинди.

Когнитив стилистика лингвостилистик тадқиқотлар ривожининг ёрқин ва сифат жиҳатидан янги босқичларидан бири сифатида анъанавий стилистикада эришилган ютуқларни кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Бу

эса, ўз навбатида, миллий тил ўзига хослигини, яшарин воситаларини аниқловчи ҳамда унинг эстетик таъсирини намоён этувчи стилистик ходиса ва хусусиятларни таҳлил қилишнинг янги метод ва усулларини ишлаб чиқишни такозо этади. Мустақил лингвистик йўналишлардан бири бўлган когнитив стилистика когнитив аниқлаш нуқтаи назаридан, яъни коммуникация жараёнида индивид томонидан лисоний ҳосилаларни яратиб ва уларни қабул қилиш асосини белгилаб берувчи ментал жараён ва структураларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, умумий ҳамда алоҳида стилистик муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга йўналтирилган.

Когнитив стилистиканинг ўзига хослиги ва илмий аниқлиги шундаки, унда лингвистик таҳлил систем нуқтаи назардан лисоний воситалар танловини когнитив структуралар ва жараёнларга мос назарияларга асос усулда амалга оширилади.

Бу, бир томондан, матнлар ўртасидаги тизимли ва катъий алоқдорликни, иккинчи томондан эса эҳтимоллий реакциялар ва интерпретацияларини таъминлайди<sup>8</sup>. Когнитив стилистикани стилистик ҳодисаларни тилга нисбатан когнитив ёндашув гоялари, тамойиллари, тушунча ва категорияларини қўллаш призмаси орқали талқин қилишга йўналтирилган тадқиқотлар соҳаси сифатида кўриб чиқиш маъқул бўлиб, бу, ўз навбатида, когнитив-стилистик ислоҳотларнинг кенг, мажмуавий ва аниқ мураккаб характерида далолат беради. Айни вақтда, когнитив стилистика жадал суръатларда ривожланиётган ва ўз сарҳадларини кенгайтираётган, шунингдек, илгари сурилётган қатор ҳолатларга кўра бутун стилистика фанининг яқин келажакдаги ривожланиш йўлиларини белгилаб беришга қодир лингвистик йўналишдир.

Илгари суриш назарияси когнитив стилистиканинг энг муҳим ва мунозарали масалаларидан биридир. Илгари суриш назарияси шаклланишининг тарихий илдизлари антик давр поэтикаси ва риторикаси намоёндалари асарларига бориб тақалади. Бироқ мумтоз риторикада илгари суриш назарияси яхлит шаклда намоён бўлмаган. У ҳозирги пайтга келибгина ахборотни тақсимлаш қонуниятининг илмий сифатида шаклланди<sup>9</sup>. Илгари суриш тамойили бадиий матнининг муҳим ташқи этувчиси эканлиги тўғрисидаги гоя дастлаб В.Б. Шкловский томонидан таъриф қилинган бўлиб, у санъатнинг ўзига хос усули сифатида одатдагидан бошқача, гайриоддий (рус. остранение/остраненность) – «жабул қилишнинг қийинчилигини ва давомийлигини оширувчи қийин шакл усули»<sup>10</sup> тушунчасини «ҳодисаларни қабул қилиш ва кўрсатишни янгилаш усулини умумлаштириш»<sup>11</sup> мақсадида киритган.

Лингвистик тадқиқотларда илгари суриш тушунчасининг кенг қўлланилиши Прага тилшунослар тўғрисидаги намоёндалари, хусусан,

<sup>8</sup> Searce E., Culpeper J. Foreword // *Cognitive Stylistics: Language and Cognition in Text Analysis* / Searce E., Culpeper J. (eds) – Amsterdam: John Benjamins, 2002. – P. IX.

<sup>9</sup> Хачатурян С.Г. *Лингвистическая риторика*. – М.: Новое Издательство, 2002. – С. 62.

<sup>10</sup> Шкловский В.Б. *Искусство прозы* // *Полония*. – Петроград: 18-ая Гос. типография, 1919. – С. 103.

<sup>11</sup> Шкловский В.Б. *Искусство*. В 2-х томах. Т. 2. *Тетива. О искусстве сознания*. – М.: Художественная литература, 1983б. – С. 6.



Я. Мукаржовский ва Б. Гавранекларнинг ишлари<sup>12</sup> билан боғлиқдир. Уларнинг фикрича, актуаллашув («aktualisace»), яъни илгари суриш («foregrounding») тилнинг даярли барча қатламларида турли даражадаги интенсивлик билан намоён бўлиши, шу билан бирга, шаклан ва мазмунан анча ўзига хос ҳамда хилма-хил илгари суриш воситалари айнан бадний адабий тилда реаллаштириш мумкин. Поэтик тилнинг ўзига хослиги унги адабий тил фониди айнан нутқий метрдан чеклиниш ҳисобига илгари сурилиши билан аниқланади. Я. Мукаржовский таъкидлаганидек, «поэтик тилнинг вазифаси лисоний ифоданинг максимал актуаллашувидаги иборат. Актуаллашув автоматлаштиришга қарама-қарши бўлиб, ўз навбатида, бирор-бир актининг дезавтоматлашувида: акт қанчалик автоматлашса, унинг онгли кузатилиши шунча кам кечади; у қанчалик кучли актуаллаштирилса, унинг аниқлиниши шунча тўлиқ кечади»<sup>13</sup>. Натияжада, илгари суриш (актуаллаштириш) стилистик пландаги мажмуавий ҳодиса сифатида тилнинг асосий потенциаллини, ундаги воситаларнинг бадний воқеаланиш имкониятларини, турли шакл ва маъноларнинг талқинини белгиловчи бир қатор табиий хусусиятларга эга бўлади.

Талқиқотларнинг мақсади ва характериға боғлиқ равишда илгари суриш тушунчаси турлича, яъни ҳар хил даражадаги лингвостилистик мавқе ва кўринишлар (таъомил, девиация, ажратилганлик, эффект, стилистик стратегия, матини ташкил этиш усули ва ҳоказо сифатида) да талқин қилинади. Илгари суриш, лингвокогнитив қонуниятлар нуктаи назаридан, «ахборотни лисоний қайта ишлаш жараёнида ишлаш стимули ёки «калит» сифатида намоён бўлувчи, у ёки бу тил шаклини биринчи (олдинги) планга жойлаштириш заруратини характерловчи концепт»<sup>14</sup> сифатида изоҳланади. Илгари суриш ҳодисасининг ўзига хослиги ундаги воситаларнинг индивидуал-муаллифлик характери ва когнитив-прагматик имконияти билан, шунингдек, уларнинг матини шакллантириш ҳамда ахборотни ифодалаида муҳим роль ўйнаш билан белгиланади. Илгари суриш назариясининг методологик восита сифатидаги моҳияти шу билан изоҳланадики, аввало, буида муҳим мезон сифатида муайян метрлар тизими мавжуд бўлиб, мазкур тизим фониди тил, шунингдек, у ёки бу матн ва дискурс тури учун характерли метрларнинг бузилиши билан боғлиқ стилистик маълумотлар кўрсатилади.

Талқиқотимизда илгари суришнинг Ж. Лич томонидан тақлиф қилинган турлари таснифига таянамиз. Ушбу таснифга кўра, илгари суришнинг иккита муҳим лисоний механизми, яъни лисоний девиация («linguistic deviation») ва параллелизм («parallelism») мавжуд бўлиб, улар лисоний ҳодисаларни амалга

<sup>12</sup> Mukarovsky J. Standard Language and Poetic Language // A Prague School Reader on Esthetics, Literary Structure, and Style / Garvin P.L. (ed. transl.). – Washington, D.C.: Georgetown University Press, 1964. – P. 17–30; Havranek B. The Functional Differentiation of the Standard Language // A Prague School Reader in Esthetics, Literary Structure, and Style / Garvin P.L. (ed. transl.). – Washington, D.C.: Georgetown University Press, 1964. – P. 3–16.

<sup>13</sup> Мукаржовский Я. Литературный язык и поэтический язык // Пражский лингвистический кружок. – М.: Прогресс, 1967. – С. 409.

<sup>14</sup> Лукина Л.Г. Выдающиеся // Критический словарь лингвистических терминов / Кубрякова Е.С., Довалкина В.З., Пашерид Ю.Г., Лукина Л.Г. – М.: Филологический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова, 1996а. – С. 21.

оширишнинг нерегулярлик (меъёрдан четлашш) ҳамда регуларлик (структураларнинг тартибга солиниши) хусусиятларини карама-қарши қўйишга асосланади ҳамда яхлит ҳолда хилма-хиллиги ҳисобга умумий мақсад – нутқий контекстда тил воситалари стилистик аттрактивлиги (жозибadorлиги) ва ажратилганлигини таъминлашга хизмат қилади. Лисоний девиация, ўз навбатида, қуйидаги турларни ўз ичига олади: лексик девиация, грамматик девиация, фонологик девиация, график девиация, семантик девиация, диалект девиация, регистр девиацияси, тарихий давр девиацияси<sup>15</sup>.

Лисоний девиация илгари суришнинг ўзига хос имконга эга тури сифатида илгари суришнинг бошқа турларидан қатор фарқли белгиларни ажратиб кўрсатишга кўра аниқланади<sup>16</sup>. Биринчидан, лисоний девиация меъёрдан четлашш оқибати (*plastic anxiety* (ўзб.: *эстетичан хавотир*), *feeble hypotenuses* (ўзб.: *бўш гипотенузлар*)<sup>17</sup> сифатида иккита функционал статус, яъни конструктив ва шу билан бирга, деструктив ҳодиса сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Шу боис девиацияни нутқнинг махсус интенционал ҳодисаси, сўзловчининг лингвокреатив фаолиги махсули, шунингдек, атайлаб амалга оширилмаган спонтан ҳодиса сифатида характерлаш мумкин. Лисоний девиация тилининг яшаран имкониятини очиб берувчи самарали восита, яъни лисоний инновациялар генератори бўлиб хизмат қилади. Салвентлак (ажратилганлик) лисоний девиациянинг зиг муҳим хусусияти бўлиб, жумладан, у илгари суришнинг бир тури сифатида унинг стилистик мавқени белгилайди. Айнан лисоний девиативлик қабул қилишнинг селективлигини шарт ва зарур қилиб қўяди ҳамда мавжуд лисоний меъёрлар, нутқий стандартлар ва бадний аъёнлар фониде лисоний структура аномаллиги ва аттрактивлигида илгари суриш муҳимлигини таъминлайди.

Лисоний девиациянинг психологик жиҳатдан муҳимлиги, ўз навбатида, унинг илгари суриш воситаси сифатида диққатни жалб қилиш ва тақсимлашдаги ўзига хос хусусиятлари, унинг фондан перцептив ажратилганлиги ва алоҳидлиги илгари суриш ҳодисасини умумий тадқиқ қилишда когнитив-стилистик ёндашувни қўллаш учун етарли асос бўла олади. Лисоний девиация илгари суришнинг алоҳида тури бўлиб, унинг конструктив бошланмасини, бадний-эстетик ўзига хослигини, қабул қилишнинг селектив характерини, ўзига хос лингвокреатив имконияти ва мураккаб функционал ўзига хослигини кўрсатувчи қатор фарқли белгиларга эгадир.

<sup>15</sup> Leech G.N. A Linguistic Guide to English Poetry. – London, New York: Longman, 1969. – P. 42-53.

<sup>16</sup> Leech G.N. A Linguistic Guide to English Poetry. – London, New York: Longman, 1969. – 237 p.; Якобсон P.O. Два аспекта языка и два типа афигуральных нарушений // Теория метрфоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 110-132; Арутюнян Н.Д. Аномалия и язык (к проблеме языковой «вартыи зорос») // Вопросы языкознания. – 1987. – № 3. – С. 3-19; Wales K. A Dictionary of Stylistics. – 2<sup>nd</sup> ed. – London: Longman, 2001. – 429 p.; Рыбчин Т.Б. Языковые аномалии в художественном тексте: Андрей Платонов и другие. – М.: Флинта, 2012. – 322 с.; Кобелева П.М., Лаuffer Н.И. Языковые аномалии в прозе А. Платонова через призму проблемы варьирования // Лингвистический анализ языка: противоречивость и аномальность текста: Сб. науч. трудов. – М.: Наука, 1990. – С. 125-139; Дебрин М. Теоретическое и прикладное аспекты исследования девиативности Дис. ... дисс. филол. наук. – Новосибирск, 2006. – 375 с.

<sup>17</sup> Cross A.A. Glossary of British and American Pragmatics. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006. – P. 13-14.

Параллелизм илгари суришнинг бир тури сифатида амал қилинши, аввало, унинг матн доирасида тил шакллари ва маъноларини тартибга солиш зарурати билан белгиланади. Мазкур ҳолат параллелизмлар ва лисоний девиациялар ўртасидаги муносабатлар икки хил характерга эга эканлигини кўрсатади: бир томондан, параллелизм регулярилик (мунотазамлик) сифатида иррегулярилик (номунотазамлик) бўлган лисоний девиацияга қарама-қарши қўйилган бўлиб, бу уларнинг ҳосил бўлиш поларлигидан далолат беради; бошқа томондан эса параллелизм ва лисоний девиация уларнинг умумий функционал йўналишлиги, яъни тил шакллари ҳамда маъноларини стилистик илгари суриш эканлиги ҳисобиغا ўзаро алоқадордир.

Матнда параллелизмнинг илгари сурилиши уни талқин қилишнинг ягона когнитив асоси шаклланишига замин яратувчи қисмлари, маънолари ва функционал ўзига ҳосликларининг қаватланиши билан белгиланади. Параллелизмнинг салиентлиги унинг етакчи белгилари ўзаро таъсирининг турли даражақилилиги билан аниқланади. Оқибатда, бу унинг матн микро ёки макро даражасида илгари сурилишини таъминлашга имкон беради<sup>18</sup>. Масалан, Отеллонинг «*I kissed thee ere I killed thee*» сўзларидаги параллелизм *kissed* ва *killed* ўртасидаги алоқадорликка, контрастнинг ўхшашлик (аналогия) билан уйғунлиги<sup>19</sup> га ишора қилади ва бутун матн доирасида концептуал маънолар (мантисизликлик, рашқнинг бемаънолиги ва бутун фожиянинг киноялиги)ни ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, параллелизм салиентлиги «параллелизм қонуниятини» («parallelism rule»)<sup>20</sup> билан шартланган бўлиб, унга кўра, параллелизм тил бирликларининг эквивалент такрорига асосланган тамойил сифатида матнда ахборотнинг перцептив ажратилишига замин яратади ва ўқувчи (қитобхон)ни параллел структуралар орасидаги мазмун жиҳатдан алоқадорлиқни излашга ундайди. Параллелизм шакллари, структур ва функционал белгиларининг хилма-хиллиги унинг лисоний воқеланишидаги кўп қиррали характери ҳамда турли когнитив тамойил ва механизмларнинг таъсири билан боғлиқ ўзига хос концептуал имкониятидан далолат беради.

Диссертациянинг «Бадний матнда илгари суриш воситаларининг ўрганилишининг когнитив асослари» деб номланган иккинчи бобда лингвокогнитив тадқиқотларда ахборотни ташқил этиш ва диққатни тақсимлаш масалалари (салиентликнинг, фигура ва фоннинг, траектор ва ориентирнинг, профилъ ва базанинг чегараланиши) қандай ёритилгани кўриб чиқилди, бадний матндаги илгари суриш ҳодисасини ўрганиш учун асос бўлувчи тушунчалар сифатида когнитив жараён ва структуралар (концептуал интеграция, фреймди структура, икониклик ва лисоний тежамкорликнинг когнитив тамойиллари) таҳлил қилинди, бадний матнда илгари суриш воситаларини когнитив-стилистик таҳлил қилишнинг мажмуавий методикаси ишлаб чиқилди.

<sup>18</sup> Якобсон Р. Грамматический параллелизм и его русские аспекты // Якобсон Р. Работы по поэтике. – М. Прогресс, 1987б. – С. 99–132.

<sup>19</sup> Leach G.N. A Linguistic Guide to English Poetry. – London, New York: Longman, 1969. – P. 68-69.

<sup>20</sup> SharfM. Exploring the Language of Poetry, Plays and Prose. – London, Routledge, 1986. – P.16-15

Салвентлик хусусияти қабул қилиш жараёнининг умумий селектив характерини, шунингдек, илгари суриш жараёнини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Одатда, бадний матида диққатни тақсимлаш нуктаи назардан нисбатан ахамиятсиз ёки ахамиятсиз элементлар тақдим қилиниши мумкин. Бу эса ундаги ажратилган ва ажратилмаган структуралар дихотомиясидан далолат беради. Салвентлик хусусияти ва илгари суриш ходисасининг ўзаро алоқдорлиги илгари суриш воситаларини когнитив ва онтологик хусусиятлар эътибор фокусига жойлаштиришнинг йўналтирилганлигига қараб аниқланади. Когнитив салвентлик эса қурилш жараёни ҳисобига ахборотнинг концентуал муҳим парчасини илгари суриш асосида аниқланади. Онтологик салвентлик қабул қилиниш селективлиги ҳамда адреситининг асосий диққатини фокуслашга қаратилган белгиловчи, олдинги шанга илгари сурилувчи аттрактив хусусиятлардан келиб чиқади<sup>21</sup>.

Илгари суриш ходисасини фигура ва фонни чегаралаш призмасида, шунингдек, траектор номувофиклиги, профиль ва база ориентирини мисолда кўриб чиқиш имконияти мавжудлиги илгари суриш воситаларининг контекстуал қуришга нисбатан фарқли белгиларини юзага чиқаришга хизмат қилади ҳамда умумий тарада қабул қилиш ва диққатни фокуслаш жараёнлари аспектида илгари суриш муҳим когнитив-стилистик ахамиятга эга эканини белгилаб беради.

Турли когнитив жараёнлар ва структуралар, хусусан, концентуал интеграллашув, фреймли структуралар, икониқлик ва лисоний белгилар тежашнинг когнитив тамойиллари бадний матида илгари суриш воситалари шаклланиши ва амал қилишида муҳим роль ўйнайди. Мазкур структура ва механизмларнинг намоён бўлишидаги ўзига хос хусусиятлар кўп жонхатдан илгари суриш воситалари когнитив ва стилистик хусусиятлари интеграллашувида келиб чиқади. Когнитив жараёнлар ва тамойиллар, ўз асосига кўра, бадний матида ахборотни тақсимлашнинг ўзига хослигини такозо қилади ва шу асосда концентуал нуктаи назардан нисбатан муҳим бўлган у ёки бу билем парчасини диққат марказига тортади.

Концентуал интеграллашув механизми (уч дастлабки макон: *Reaper, Killer, Death*<sup>22</sup> просодиясига асосланган метафорик бленд *Grim Reaper (шафқатсиз ўроқчи)*) турли шакл ва ҳажмларда намоён бўлади ҳамда матида мазмун қурилиши умумий ментал жараёнини, образли тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини, билем структуралари ҳамда концентуал мазмунлар репрезентациясининг ўзига хослигини, шунингдек, яхлит ҳолда илгари суриш ходисасининг бадний-эстетик қиймитини белгилайди.

Илгари суриш жараёнининг когнитив-стилистик ўзига хослиги билемлар жамланмаси сифатида нафақат фреймли структураларнинг фаоллашуви билан, балки жорий мулоқот вазияти фрейминги (the framing of the actual communication situation) ёки тил функционал стиллари ва

<sup>21</sup> Schmidt, Estreichment, Salience, and Basic Levels // The Oxford Handbook of Cognitive Linguistics / Geach, D., Cuyckens, I. (eds). – Oxford: Oxford University Press, 2007. – P. 117-138.

<sup>22</sup> Fauconnier G., Turner M. The Way We Think: Conceptual Blending and the Mind's Hidden Complexities. – New York: Basic Books, 2002. – P. 292.

регистрлари ҳақида схемали билимларни ташкил этувчи ҳамда дискурс ёки коммуникатив контекст қурилишининг самарали воситасини ўзидан янароқ этувчи нутқий воқелик фреймлари (speech event frames)<sup>23</sup> билан ҳам бевосита боғлиқдир. Илгари суриш воситаларини кўриб чиқишда рефрейминг (фрейм алмашинуви)<sup>24</sup> жараёни ҳам муҳимдир. Чунинчи унинг натижасида ўқувчининг қабул қилиши учун мутлақо қўйилмаган ва ингилликка тўла метафорик образлар, концептуал мазмунлар олдинги планга чиқарилади.

Энг аввало, шакл ва мазмун ўртасидаги мувофиқлик сифатида талқин қилинувчи ҳамда уч тамойил: узвийлик, масофа ва миқдорни ўз ичига олувчи иккинчилик когнитив тамойилни илгари суриш воситаларининг концептуал ташкил этувчиси нималардан иборат эканини батафсил кўриб чиқиш имконини беради. Бунда уларнинг стилистик имконияти ҳам тил воситаларини турли даражаларда реаллаштириш нуктаи назаридан ҳам уларнинг функционал-стилистик ўзига хослиги нуктаи назаридан диққат марказига қўйилади.

Илгари суриш воситаларининг амал қилишида лисоний белгини тежаш тамойилини амалга оширишнинг когнитив-стилистик кирраси унинг максимал ҳажмдаги ахборотни мақсадди йўналтирилган ҳолда юборишида кўринади. Натижада, тил шаклининг ўзига хослиги, шунингдек, муайян когнитив механизмни фаоллаштириш, билимнинг бирор парчасини профиллаштириш асосида тиклим қилинган концептуал ахборот сифатида салентлик таъминланади.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва тақлиф қилинган илгари суриш воситаларини когнитив-стилистик таҳлил қилиш мажмуавий методикаси, энг аввало, инглиз тилидаги бадний матида илгари суриш типлари ва усулларининг ҳосил бўлиши ва амал қилиши асосида қўллаялган билишнинг когнитив структуралари ва механизмларини вербал ҳамда ментал намоён этишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва таъсирчанга йўналтирилган. Уларнинг мураккаб когнитив-стилистик асосини мати яратишда ҳамда бевосита илгари суриш воситаларини ҳосил қилишда қўлланувчи турли билимлар соҳасининг ўзаро таъсири ҳамда тил воситалари муаллифлик модификациясини ташкил этувчи мажмуавий механизм сифатида кўриб чиқилиши илгари суриш воситаларини таҳлил қилиш мажмуавий методикасининг очкич тамойиллари. Қондаги кўра, ҳар бир билим соҳаси (атрофдаги борлик, миллий тил, бадний асар мати тили, унинг структур тузилиши) муайян даражада бадний матидаги индивидуал-муаллифликка хос хусусиятлар ҳамда лингвокреатив имкониятни реаллаштиришда илтирок этади. Бу эса илгари суриш жараёналарининг

<sup>23</sup> Fillmore Ch. Frame Semantics // *Linguistics in the Morning* / Linguistic Society of Korea (ed.). – Seoul: Hanshin Publishing, 1982. – P. 117; Evans V., Green M. *Cognitive Linguistics: An Introduction*. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006. – P. 225.

<sup>24</sup> Fillmore Ch. Frame Semantics // *Linguistics in the Morning* / Linguistic Society of Korea (ed.). – Seoul: Hanshin Publishing, 1982. – P. 124-130; Barsler R., Grinstead J. *Reframing: Neuro-Linguistic Programming and the Transformation of Meaning* – Mosby, UT: Real People Press, 1982. – 208 p.; Морозова Г.Г. *Автоматизированный анализ текста, стиля, культуры, коммуникативности*. – М.: ОЛМА Медиа Групп, 2007. – С. 47.

когнитив-стилистик табиатини, жумладан, унинг турли когнитив тамойил ва механизмларни амалга оширишга доир хусусиятларини белгиләб беради.

Маъмувий методика ўзининг тузилушига кўра ўзида уч очқоч босқич: 1) селектив қабул қилиш ва диққатнинг тақсимланиши; 2) когнитив структураларнинг фаоллаштирилиши ва ахборотнинг қайта ишлланиши; 3) илгари суриш воситалари функционал юқлимасини белгиләвчи компонентларнинг аниқланиши қабилардан ташқил топган ушбу амалиётни намоён этади. Бунда босқичларнинг ҳар бири ўзининг умумий когнитив-стилистик табиати доирасида илгари суриш воситаларининг муайян хусусиятларини очиб беришга йўналтирилган аниқ билиниб туради. Тил воситаларини илгари суришда қўлланилувчи ментал механизмлар, билиш жараёнлари ва структуралари илгари суриш ҳодисасига хос мураккаб когнитив-стилистик жихатларнинг очқоч компонентларини белгиләйди. Илгари суриш ҳодисасининг ҳосил бўлиш асоси ва контекстуал воқеаланиши лисоний, когнитив ва коммуникатив-прагматик омилларнинг бир бирига ўзаро таъсири ҳамда юқори даражадаги функционал юқланганлик билан ажрәлиб туради.

Диссертациянинг «Иंगлиз тилидаги шеърий матида илгари суриш воситаларининг когнитив-стилистик таҳлили» деб номланган учинчи бобида америкалик шоир-экспериментатор Э.Э. Каммингснинг «*the Cambridge ladies who live in furnished souls*»<sup>2</sup> сонети матида аккумуляцияланган (тўпланган) ҳолатда тақдим қилинган илгари суриш воситалари когнитив-стилистик таҳлил этилган. Айнан мазкур асарнинг таълиқиши у илгари суриш воситаларининг муҳим аттрактив (стилистик), концептуал-маъмувий ва функционал ўзига хос хусусиятларини очиб беришга йўналтирилган уч босқичли когнитив-стилистик таҳлил моделининг кенг назарий ва амалий имкониятларини очиб бериши билан белгиләнади. Чунки ушбу сонет матни ҳам шаклан, ҳам маъмуван иंगлиз тили шеърлари ва шеърий шаклларини индивидуал-муаллифлик тажрибасидан ўтказишнинг яққол намунаси бўла олади. Бунда умумий ва алоҳида салиентлик хусусиятларига эга параллелизмлар ва лисоний девнацияларни фаол қўлланишнинг ноёб кўренишлари намоён бўлган.

Когнитив-стилистик таҳлиловнинг **биринчи босқичи**да ўқувчининг қабул қилишидаги ташловчанлигини белгиләвчи ҳамда тил белгиси ва шеърий шакл намоёишининг салиентлик, иррегулярлик ва регуларлик сингари муҳим илгари суриш хусусиятларини узитувчи турлича индивидуал-муаллифлик илгари суриш воситалари билан намоёиш этилувчи стилстик аттракторлар аниқләнәди.

Илгари суриш воситаларининг стилстик ўзига хосликлари аниқләнishi ва таъсифланиши уларнинг матидаги дистрибуцияси кетма-кетлиги бўйича, яъни шеърнинг ҳар бир мисрасини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Стилстик аттракторларнинг асосини, биринчи навбатда, лисоний ва поэтик моделлаштирилишнинг муаллиф услубига хос турли мисоллари: семантик ва

<sup>2</sup> Cummings E.E. E.E. Cummings: Complete Poems, 1964-1962. - New York: Liveright Publishing Corporation, 2016. - 1216 p.

грамматик девнациялар, параллелизмлар, илгари суришнинг турли график усуллари (сўзларнинг сатр бошида кичик ҳарф билан ёзилиши, грамматик ва семантик жиҳатдан ўзаро боғланган сўзлар ўртасидаги ажратилишлар, пунктуация қоидалари, қофиянинг бузилиши, сўзларнинг айлана кавслар ичида берилиши ва ҳоказо) ташкил этади.

Сонет матнида, энг аввало, илгари суришнинг график воситалари (сўзларнинг сатр бошида кичик ҳарф билан ёзилиши, тўғри белгилари қоидаларига риоя қилинаслик, қаторлар орасининг узиллиши) ажратилади. Зеро, бу Э.Э. Каммингс шеърининг мумтоз шеърят меъёрларидан тубдан фарқлаб туради ва девнациянинг ташкил тили сифатида кўриб чиқилади (С. Левинга кўра). Сонетда асосан семантик девнация механизмлари: кембрижлик хонимлар қалби меҳеллар билан безатилаган хоналар жиҳозларига ўхшатилиб, «furnished souls» ва олайнасаб хонимлар жамолвий образини кинояли ифодалаш мақсадида «comfortable minds» метафорик конструкциялари қўлланган. Шу билан бирга, ушбу шеър матнида график ва семантик девнация усулларининг концентрацияси, шунингдек, параллелизм ҳолати ҳам қайд қилинади: иккита қаторнинг паритетиз конструкция шаклида айланма қавс ичига олинлиши, «protestant» сўзининг кичик ҳарфларда ёзилиши, пунктуациядаги эркинлик, аллитерация ҳолати («...daughters, unscented shapeless spirited»), «spirited» ва иккита олдидagi сўз («unscented shapeless») ўртасидаги семантик номувофиклик (антиклимакс) кузатилади. Маънавий ибтидолар: эътиқод ва адабий диднинг қарма-қарши қўйилиши ва уларнинг бир бирига ўзаро таъсир кўрсатишини ифодалаш мақсадида «they believe in Christ and Long fellow, both dead» шаклидаги антитезали параллелизм; Кембриж хонимлари эътиқоли самимий эмаслиги ва улар Лонгфелло ижодини юзаки тушунишларини актуаллаштирилиши сифатида «both dead» махсус конструкцияси аниқ ажратиб берилади. Бундан ташқари, мажкур сонет матнида қуйидаги ҳолатлар ҳам кузатилади: «invariably» сўзининг семантик девнация сифатида кинояли қўлланилиши; параллелизм ҳолатлари (аллитерация ва ассонанс): «are in variably interested in so many things —»; Э.Э. Каммингс идеологияга хос эллипсис/апозиопетис мисоли сифатида қатор охирида тиреннинг ишлатилиши.

Шунингдек, матнда қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади: регистр девнацияси (канцеляризм — «at the present writing «); номанқ шахс конструкцияси: «one still finds»; қофияни ҳосил қилиш усули сифатида «finds» ўтимли феъланган кейин қатор охирида синтактик ажратилиш; риторик сўроқни жамловчи кўчирма танаи нутқда қўллаш усули сифатида сўроқ конструкцияси («delighted fingers knitting for theis it Poles?»); грамматик девнация (четлашиш); (стилистик инверсия, «Poles» этнонимнинг аниқлик артикисиз ёзилиши) ва семантик девнация (четлашиш) (метафорик эпитет). Грамматик ва график девнацияли мисоллар уйғунлигидаги шахссиз гаплар («perhaps. While permanent faces coyly bandy») ҳам, параллел конструкциялар — «reg» рекуррентияси ва «coyly bandy» қўшимчалари ҳам; семантик девнация (четлашиш) мисоли сифатида «permanentfaces» метонимияси ҳам ажратилади. «scandal» сўзида ва кейинги ўринларда келтирилган исмларда

«Mrs. N and Professor D» «и» и «d» ундоларининг уйғурилигида товушли параллелизми илгари сурниш мақсадида сўзларнинг жойлашишида ўйин манераси («scandal of Mrs. N and Professor D»); гап охирида нуқтанинг қўлланилмаганини кузатилади. Сонетнинг ун биринчи катори «... the Cambridge ladies do not care, above» мисрасининг ифодада ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш мақсадида мажкур каторда апоэнопеzis стилистик усулининг ноодатий қўлланилиши туфайли у бошқа каторлар фониде визуал тарзда ажралиб туради ва шу билан бирга унда «above» сўзини қўшиш орқали каторларнинг тасодифий кофияси хосил қилинади. Сонетнинг «Cambridge if sometimes in its box of / sky lavender and cornerless, the / moon rattles like a fragment of angry sand» ифодаде охириги уч каторида катор лисоний девнациялар (четлашишлар) ва параллелизм усуллари: семантик девнация (оксюморон, образли таққослаш), лексик девнация (cornerless), грамматик девнация (каторлар орасининг узилиши, стилистик инверсия), товушли параллелизм («fragment of angry sand» бирикмаси ҳамда «rattles» сўзидаги ономатония), график девнациянинг ишлатилиши асосида ёйик метафорик конструкция кузатилади.

Магнда аниқланган стилистик аттракторлар лисоний ва поэтик шаклларининг креатив имкониятларини реаллаштириш нуқтан назаридан бадий асарнинг оҳорлигини таъминлайди ва, ўз навбатида, муаллифнинг индивидуал-стилистик ўзига хослигини, инглиз тили ва инглиз шеърини аънаваларининг ўзига хос тақрибадан ўтказилган қонуниятлари билан белгиланган поэтик «сго»сини акс эттиради.

Тахлилининг иккинчи босқичида кўриб чиқилувчи когнитив омиллар, асосан, илгари сурниш воситаларининг биринчи босқичида кийд қўлинган очкич аттрактив хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Методологик когнитив усулларни қўллаш зарурлиги сабаби шундан иборатки, энг аввало, салентликнинг муҳим хусусиятини ифодалаш панида ҳам, бадий асардаги гоъвий-концептуал асосни ҳамда мазмуний доминантларни узатиш (трансляция қилиш)га йўналтирилганлик панида ҳам илгари сурниш воситалари интеграцияланган кўринишида намоён бўлади.

Илгари сурниш воситалари тилининг алоҳида механизмлари сифатида кўриб чиқилади. Уларнинг асосини, яхлит ҳолда, стилистик ва когнитив белгиларнинг кўп қираллиги ҳамда уларнинг ўзаро алоқдорлиги, лингвокреатив имконияти, индивидуал-муаллифлик билан боғлиқ ўзига хослиги, функционал юқланганлик ҳамда бадий-зететик аҳамиятини белгилувчи балим структураларининг интеграцияланган йиғиндиси ташкил этади.

Илгари сурнишга доир алоҳида мисол тарикасида семантик девнацияни концептуал интеграллашувининг когнитив механизмини фаоллаштириш призмасида кўриб чиқамиз. «Furnished souls» метафорик конструкцияси икки дастлабки концептуал макон: моддий олам (мебель олами) ва маънавий олам (инсон қалби олами)дан хосил бўлган блендининг ёркин намунасини намоён этади. Жинс (бутун) маконда ифодаланувчи умумий структура қуйидагичадир: юқори табакага мансуб аёлларнинг қалби мебеллар билан



безатилган хонага ўқшайди деб тавсифланади. Жинс (бутун) макон структурасида икки асосий концептуал ибtido: моддий ва мавҳумлиқни ўзаро боғлаб турувчи жисмлаштириш жараёни актуаллаштирилади. Блендинг шаклланиши натижасида индивидуал-муаллифлик проецияси содир бўлади ва унга кўра, биринчи макондан инсоний хислар, кайфият, туйғулар, кечинмалар, ўй-фикрлар, шунингдек, юқори иқтимосий мавқе мажмувий тарзда олдинги планга чиқарилади. Иккинчи макондан эса мебелларнинг, мебелли уй муҳитига эга хонанинг моддий характери олдинга чиқади. Оқибатда, янги интеграцияланган макон, яъни бутун метафорик конструкциянинг мълносини белгилаб берувчи бленд шаклланади: Кембриж аёлларининг моддий бойликларга ружу кўйган маънавий кашшоқ олами (1-расм).



1-расм. *Furnished home* метафорик бленди концептуал интеграцияси чизмаси

Совет мтавида қайд қилинган илгари суриш воситаларининг когнитив асосларини кўриб чиқишда тахлил инструменти сифатида рамзийлик тамойили (миқдорлар, масофалар), тил белгисини тежаш тамойили, фреймли структура, рефрейминг ва бошқа тамойиллардан кенг фойдаланилади.

Илгари суриш воситаларининг аниқланган аттрактив, хусусан, концептуал-маъмувий хусусиятлари уларнинг функционал имкониятлари кенг эканлигидан далолат беради. Бу эса тахлилнинг учинчи босқичида уларнинг устувор вазифаларини аниқлаш имконини беради. Вазифаларнинг хилма-хиллиги илгари суриш воситаларининг кўзлаб аттрактив хусусиятлари ва уларнинг замиридаги билим структуралари, когнитив тамойиллар ва механизмларнинг бир-бирига таъсири билан белгиланган. Функционал ўзига ҳосликларини юзага чиқаришда коммуникатив-прагматик,

лингвокреатив ва эстетик жохатлар, шунингдек, шеърини мити доirasida турли билем соҳаларини ифодалашнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни бадий матннинг олам манзарасини тасвирлашда когнитив контекстлар: теvarак атрофдаги борлик ва бадий матнда берилган олам; миллий тил ва асар муаллифи тили ҳамда идеостили; мумтоz вариантдаги шеърини мити ва Э.Э. Каммингс муаллифлик модификациясидаги шеърини матннинг муносабати муҳим роль ўйнайди.

Э.Э. Каммингс сонети матни материали асосида лисоний девиация ва параллелизмга оид мисолларнинг мажмуавий таҳлили эксплицирт ва имплицит ифодаланган турли хусусиятларнинг мураккаб палитрасини юзага чиқариш имкониятини беради. Бу хусусиятлар биргаликда илгари суриш ходисасининг когнитив-стилистик ўзига хос хусусиятларини, унинг саллиентлиги онтологик ва когнитив даражаларини аниқлайди, шу билан бирга, поэтик асарининг ҳам, унинг муаллифи тилининг ҳам индивидуалистик ўзига хослигини таъминлайди.

Диссертациянинг «Илгари суриш воситалари амал қилишининг когнитив-стилистик ўзига хос хусусиятлари (инглиз тилидаги шеърини ва насрий асарлар матнида илгари суришнинг жамланган ҳолда берилган асосий типлари ва воситалари (лексик девиациялар, семантик девиациялар, регистр девиациялари, параллелизмлар) когнитив-стилистик таҳлил қилинди. Охириги параграфда бадий асар сарлавҳасини когнитив-стилистик таҳлил қилишнинг мажмуавий модели тақдим қилинди.

Илгари суриш воситаларини таҳлил қилишнинг уч босқичга муvофик лисоний девиация ва параллелизмга оид мисоллар ўзида матнда содир бўладиган ташқи ҳамда чуқур (когнитив) жараёнларни акс эттиради. Шу билан илгари суриш воситаларининг муайян турлари илгари суриш жараёнининг когнитив-стилистик ўзига хос хусусиятларини акс эттиришга хизмат қилувчи ташқи – аттрактив ва чуқур – концептуал белгиларининг ўзаро таъсири призмасида кўриб чиқилади.

Р. Макгофнинг «First Day at School»<sup>26</sup> шеъри матнидаги окказионализм намуналари лисоний (лексик) девиациянинг индивидуал-муаллифлик ўзига хослиги ностандарт лисоний шакл ифодаси ҳамда когнитив тамойил ва механизмлар фаоллаштирилиши ўртасидаги ўзаро таъсир ва бир-бирини тўлдириш асосида реаллашшидан далолат беради. Масалан, кучли позицияда (мити бошида) берилган *millionbillionwillion* («A millionbillionwillion miles from home») окказионал сўзининг аттрактив потенциал ва ажратилганлиги тил шаклининг ноодатийлиги ва унинг мураккаб сўз яқлини структураси, шунингдек, унинг ҳосил бўлишида параллелизм тамойилининг таъсири ҳамда маълумларнинг даражаланганлиги асосида таъминланади. Натияжада, окказионал жумлани эпитет муvобалага призмасида яққол ҳазил-мутойиба сифатида маркерланган маълуми акс

<sup>26</sup> McGough R. Collected Poems. – London: Penguin, 2004. – 432 p.

эттиради: бола ҳар куни босиб ўтиши лозим бўлган мактаб ва уй ўртасидаги катта масофа.

*Millionbillionwillion* окказионал сўзи миқдор ва масофа рамзий тамойиллари кесиниувининг ўзига хос намунасидир. Миқдор тамойилининг таъсири унга бир вақтинги ўзда бир қанча омонлар юклинишини намоён этади: окказионализмнинг юқорилиги қандайдир жуда катта ва узун нарса ҳақидаги тасаввурни рамзий тасвирлайди ва график даражада перцептив ажратилади; сўз ичида стилистик градация мавжудлиги туфайли у муайян ортқича туйғу ва эмоцияларни намоён этади; имплицит ахборот, яъни таърифлашувчи ҳодисанинг яширин ҳазил-киноя баҳоси (мақсаддан уйғача бўлган масофанинг муболағалаштирилиши) мавжудлигига ишора қилади. Масофанинг рамзий тамойили сўздаги компонентларнинг кетма-кет тартиби (кичикдан каттага қараб)га алоқадор бўлган, бевосита яқинликда жойлашган чамбарчас концептуал валентли алоқалар асосида намоён бўлади.

Концептуал интеграллашув нуқтан назаридан *millionbillionwillion* лексик девизацияси дастлабки учта маконни проекциялашдан ҳосил қилинган бўлиб, у блендининг ноодатий структурасини юзага келтиради. *Millionbillionwillion* блендининг юзага келишида уч компонент параллел турган бўлиб, улар миқдор маконлари элементлари, хусусан, миллион, миллиард ва учинчи, муаллиф томонидан тўқиб чиқарилган ва максимал қиймат, яъни қандайдир сонли чегара – *willion* билан боғланган. Жинос (*буғун*) макон реал ва ўйлаб топилган сонлар билан таққослаш ҳамда уларнинг умумий қиймат кўрсаткичига трансформацияси билан изоҳланади. Бунда учта элемент бир элементда ифодаланиши натижасида концептуал чигинув содир бўлади ва муаллиф томонидан ўйлаб топилган интеграцияланган, мақсаддан уйғача бўлган масофа чексизлигига, қўллаб-қувватлашга ишора қилувчи сон илгари сурилади.

*Millionbillionwillion* лексик девизациясининг функционал юклаваси унинг хилма-хил структур-семантик, стилистик, контекстуал ва когнитив белгилари: экспрессивлик, эмпатия, шакл ва мазмуннинг информативлиги, конструктив вазифаси, стиль ҳосил қилувчи вазифаси ва когнитив имконияти билан белгиланади.

Таҳлил натижалари шундан далолат берадики, лексик девизациялар нисбатан кенг қамровли ва самарали илгари суриш воситалари сифатида ўзларининг шаклланиши асосини ташкил этувчи когнитив тамойиллар ва проекцияланиши жиҳатидан турли-туман ментал маконлар билан белгиланган. Бу эса кўп жиҳатдан когнитив структуралар репрезентациясининг кенглиги ва чуқурлигини, бутун илгари суриш жарафанининг аттрактив ўзига ҳосиллигини таъминлашдаги муҳим ролини белгиллаб беради.

Илгари суриш тили сифатида параллелизм мисолларининг америкалик шоира Мина Лой шеъри (*Mina Loy*) «*There is no Life or Death*»<sup>77</sup> материали асосида когнитив-стилистик таҳлил қилиниши мазкур шеърда параллел конструкциялар матн структурасини тўлиқ қамраб олганлиги ҳамда

<sup>77</sup> Loy M. *There is no Life or Death* // *The Oxford Book of American Poetry*. D.Lehman (ed.). – Oxford: Oxford University Press, 2006. – P. 273-274.

салентлик хусусиятларининг ҳам ташқи, ҳам ички (чуқур) даражада воқеаланишини белгилани билан изоҳланади.

Шеър матнининг атрактив хусусияти, энг аввало, унинг структур характеристикалари (параллелизмлар концентрацияси, катъий кетма-кетлиги, тўлиқ ва ўзгарувчан эквивалентлик билан мувофиқлиги) ҳамда матнинг график ифодасидаги ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Параллелизм концептуал мазмунга эса парчаларнинг намоён этилиш кетма-кетлигини, позитив ақратилганлигини таъминлаган ҳолда, ахборотнинг тақсимланиш жараёнини ҳам белгилаб беради.

Параллелизмлар илгари суришнинг когнитив асосини белгилловчи муҳим омишлардан бири эканлиги, энг аввало, миқдор раъсий тамойили таъсирини намоён этишида кўринади. Унга мувофиқ, тил шакллариининг оптикча аккумуляцияси (тўлланиши) ва ягона кофийнинг ҳосил қилиниши, масофа ва узвийлик раъсий тамойиллари, прототипик структуралар репрезентацияси ва концептуал маконлар интеграллашуви қайд қилинади.

Антитетик параллелизмга оид мисоллардан ҳар бирининг концептуал структураси яхлит ҳолда, кейинги ўринларда илгари сурилувчи лексемалар, грамматик параллелизм аъзолари билан чамбарчас алоқадорликда, яъни кенгайтирилган концептуал конструкт сифатида тавсифланади. Шеърнинг кучли позицияси, яъни сарлавҳасида ва мати бошида ажратилган очкич антитетик параллелизм (*There is no Life or Death, / Only activity*)нинг концептуал структурасини кўриб чиқамиз. «*There is no Life or Death*» антитетик структураси иккита концептуал макон: инсоннинг мавжудлик шакли – ҳаёт ва инсон ҳаётий фаолиятининг тугаши – ўлимнинг проекциясини намоён этади. Шунингдек, контекстуал кенгайтириш жараёнида *activity* лексемаси билан вербаллашган ихчам конструкт илгари сурилади. У, бир томондан, ўз маъносига кўра янги концептуал маконни ифодалаш жиҳатидан автоном, иккинчи томондан эса антитетик структура доирасида контраст тарзда ўзаро проекцияланувчи дастлабки концептуал маконлар билан ҳам ташқи, ҳам ички (чуқур) даражада чамбарчас боғланган. Контекстга мувофиқ иккита концептуал макон: *Life* ва *Death* параллел структура доирасидан ташқарида ягона аралаш маконга бирлашади. Живс (бутун) макон *activity* лексемаси билан репрезентативланган конструкт билан алоқанинг актуаллаштирилиши ҳисобига аниқ тасвирланади ва қуйидаги мазмунни акс эттиради: ҳаёт ва ўлимнинг инкор этилиши инсон мавжудлигининг яхлитлигини ифодаловчи манбадир. *Activity* лексемасининг илгари сурилиши билан қайд қилинувчи бленднинг ҳосил бўлиши проекциянинг янги ва қутилмаган характеридан далолат беради. Унинг ичида муаллиф томонидан иккита қарама-қаршилик: ҳаёт ва ўлимнинг мутлақо инкор этилиш фактига асосланган дастлабки маконларнинг белгилари муайян тарзда саклаб қолинади. Блендда шаклланган ва *activity* лексемаси билан ифодаланган янги ва мутлақо қутилмаган структура параллел структуралар мажмуаси воқеаланишининг ўзига хос натижаси юзага келганидан далолат беради ва мавжудлик мазмуни узлуксиз фаолият,

борликдаги жароёнлар ва ҳодисаларнинг интенсивлигидан иборат, деган маънони аниқлатади.

Шеъринг асар матнида параллелизмлар илгари сурилишининг функционал оқлмаси стилистик аттракторлар, когнитив тамойиллар ва меканизмларнинг ўзаро таъсири билан белгиланади. Параллелизмларнинг юзга чиқishi турли оламлар, билишнинг когнитив соҳалари, адабий тил омиллари ва муаллифнинг индивидуал стили интеграллашуви асосида амалга ошувчи кўпшаб функциялар (структура ҳосил қилувчи, экспрессив, эмфатик, информатив, маъно ҳосил қилувчи, конструктив, услуб ҳосил қилувчи, когнитив) билан белгиланган.

Параллелизмларнинг когнитив-стилистик таҳлили параллел тил шакллари ва конструкциялар аккумуляцияси ва ортиқчалиги лисоний девазациянинг турли ҳолатлари сингари аттрактив, когнитив ва функционал белгиларни ифодалаш учун кенг имкониятларга эга, деган муҳим тезисни тасдиқлайди.

Америкалик шоира Марианна Моннинг «Critics and Connoisseurs»<sup>28</sup> шеъринг асаридagi режалар илгари сурилувчи регистр девазациясига оид мисолларнинг когнитив-стилистик ўзига хошлиги стилистик контраст ҳолатларнинг фаоллаштирилиши ва уларнинг асосини ташкил этувчи тил воситаларининг турли даражалилиги ҳамда регистрлар алмашишини билан боғлиқдир.


Биринчи бандда биринчи гап – «*There is a great amount of poetry in unconscious / fastidiousness.*»дан бошлаб, унинг икюпта таркибий қисми ўртасидаги стилистик контраст тасвирланади: фикрларни ифодалашнинг содда синтактик усули бир неча маъноли ва қўтилмаган сўз бирикмаси – «*unconscious fastidiousness*» билан қиёсланади. Сўз бирикмасининг юзори тоналнинг ортидан қундалик ҳаётга оид «ерга яқинлашган» одатий фактлар илгари сурилади ва бу аччиқ кинояни акс эттиради. 2-бандда регистрнинг илгари сурилиши оқуш образини тасвирлашда янада юзориноқ тоналлик билан намодн бўлади: икки қисми лексик ҳосиллар (*flamingo-colored, maple-leaflike*), лотин тилидан кириб келган сўзлар (*reconnoitered, ingredients, disinclination, proclivity*), *leaflike feet* ассонавсининг ажратилиши ҳам оқуш образига икки маъноли кинояли характер беради. Кейинги банд бошида *made away with* фразали феълни қўлаш орқали тоналлик кескин пасайтирилиши натижасида оқуш энди очофат ва қайсар мавжудот сифатида гавдаланади. 3-4-бандларда тоналлик қундалик мулоқот тили томонга пасайтирилиши ҳисобига регистрнинг ўзгарттирилиши чумоли образини таърифлаш учун ишлатилади. *Happening to stand, turned, struck out, returned* феъллари оқуш образини очиб беришда қўлланилган феъллар билан стилистик қиёсланади. Контекстда ифоданинг пафосли манерасидан воз кечиб, одатий сўзлашув нутқи элементлардан фойдаланиш орқали тоналликнинг модуллаштирилиши *ant* (чумоли) образини акс эттиришда очиклик таъминланганлиги ва бунда ҳеч қандай сунъийлик, сохталик йўқлигидан далолат беради. Муаллиф

<sup>28</sup> Moore M. Critics and Connoisseurs // The Oxford Book of American Poetry. D. Lehman (ed.). – Oxford: Oxford University Press, 2006. – P. 326–327.

чумолининг ҳаракатларини тасвирлашда кутилмаганда «*the same course of procedure*» стандарт ифодасини қўллаб, матн тоналлигини илмий услуб томонга ўзгартириди.

Мазкур ҳолатда регистрнинг ўзгариши матн функционал-стилистик шкаласининг сакраб туришидан далолат беради ва шеър матни призмасида регистр девнацияси илгари суриш жараёнининг динамикалигини намоён этиди. Димогдор тавқилчи фигурасини юнхикос эттирувчи оккушни тавсифлашда илмий нутк регистри илгари сурилади ва натижада, стилистик тоналлиқнинг бирдан ортиши, сўнгра кескин пасайиши кузатилади; снчқов билимдон образни ифодалаган чумоли ҳаракатларини тасвирлашда тесқари жараён содир бўлади: дастлаб сўзлашув нутқи регистрнинг олдинга планга илгари сурилиши ҳисобига матн тоналлиқнинг пасайиши ва унинг кутилмаганда кўтарилиши намоён бўлади.

Кўриб чиқилаётган шеърда нутқий ходиса фреймларининг (speech event frames) фаоллаштирилиши регистрлар девнациясига оид мисолларни таҳлил қилишнинг самарали когнитив курали сифатида хизмат қилади ва улар дискурс ҳамда коммуникатив вақиятининг муайян турдаги фреймли структурасини куриш воситаси сифатида қўлланади, шу орқали функционал услуб ва мулоқот регистрида қабул меъёрларига мувофиқ тилнинг турли даражадаги воситалари селекцияси белгиланади. Бутун асар матни давомида илгари сурилувчи регистр девнациясига оид мисоллар умумий модуллаштириш жараёни, яъни матн стилистик тоналлиқининг ўзгаришини ташминлайди. Ўз навбатида, улар матннинг концептуал мазмунга эга марказларини очиб беришга йўналтирилади. Бу эса китобхон оғида турли нутқий ходиса фреймлари (НХФ)ни фаоллаштириб, унинг эътиборини тоналлиқнинг ортиши ёки пасайишига қаратади (2-расм).



2-расм. «*Critics and Connoisseurs*» (M. Moore) шеърда нутқий ходиса фреймларининг алмашиши жараёни

Регистр девнациясига оид мисолларнинг функционал юклемаси, функционал стилистик маркерларининг матн аттракторлари сифатидаги

фаркли хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзаро таъсири ва алоқдорлиги ягона когнитив-стилистик мажмуага биравлашувчи фаоллаштириш когнитив структуралар воситасида аниқланади. Энг аввало, регистр девиациясига оид мисолларнинг қуйидаги муҳим вазифалари ажратилади: аттрактив, эмпатик, информатив, генератив, матн ҳосил қилувчи, моделлантирувчи, когнитив ва ҳоказо.

Ҳажман катта бўлмаган бадний контекст доирасида нутқ регистрларининг қўлини ва ранг-баранглиги бутун шеърини асарининг ўзига хос индивидуал-стилистик характерини намоён этади. Айни чоғда у когнитив даражада илгари суриш жараёнларини фаоллаштириш интенсивлигининг ўзига хос зияноксифатида тил шакллари ва мисоллари инфодаланиш билан боғлиқ модификацион воқеаларнинг функционал-стилистик моделини аниқлайди.

Насрий матн («England, My England» Д.Г. Лоуренс)<sup>20</sup>да (*but*) ёрдамчи сўзини илгари суришнинг когнитив-стилистик имконияти, биринчидан, қарама-қарши қўйилган иккита когнитив тамойил: тил белгисининг миқдори ва тежаланиш амалга ошириш билан белгиланган. Рамзий муносабатлар интеграллашувининг бундай характери, бир томондан, рекурентлик алоқаси, яъни тил шаклининг информативликка нисбатан қўлини билан, иккинчи томондан эса тил шаклининг билим структуралари максимал йиғиндисини ақс эттирувчи самарали восита сифатида амал қилишга хос ихчам шакл билан инфодаланади. Қарама-қарши қўйилган маъкур иккита тамойил бадний контекст доирасидаги ўзаро алоқдорликда лисоний ахборотни кенг стилистик модификациялаш имкониятлари ҳисобига салиентлик хусусиятини таъминлашга йўналтирилган муаллифлик нутқий стратегиясини аниқлайди. Бундан ташқари, улар тафаккур жараёнларини фаоллаштиришнинг мураккаб характеридан далолат беради. Бу эса, биринчи навбатда, рамзий тамойиллар таъсири амбивалентлиги (икки хил хусусиятга эга бўлиши) ҳамда уларнинг функционал таъсир кўрсатиш имкониятида намоён бўлади. Иккинчидан, (*but*) отлаштириш ёрдамчи сўзининг когнитив-стилистик ўзига хослиги нутқий контекстда окказионалликни олдинги планга чиқариш асосида ётувчи муҳим когнитив механизм сифатида концептуал интеграллашув йўли билан аниқланади. Қондага мувофиқ, сўз отлашувни окказионаллик, унинг девиантлиги айнан иккита ментал маконнинг метафорик проекциясига асосланган бленднинг илгари суриланиш ҳисобига нисбатан юқори даражадаги салиентликни қабул қилади. Учинчидан, асли ёрдамчи статуси (мавқеи)га эга сўзининг илгари сурилиши айрим стилистик аттракторларнинг намоён бўлиши ва когнитив тамойил ҳамда механизмларнинг фаоллаштирилиши аспектида содир бўладиган лисоний устуликка эришишнинг ёрқин намунаси. Унинг натижасида лисоний бирлиكنинг ҳам ташқи, ҳам ички даражадаги максимал ажратилганлиги муҳим аҳимият касб этади.

<sup>20</sup> Lawrence D.H. *England, My England // English Story (Англиский рассказ XX века). Сб. 3. На английском языке*. – М.: Машинное, 2000. – Р. 140-144.

Биз ишлаб чиққан бадний асар сарлавҳаси («Lovely Lady» Д.Г. Лоуренс)<sup>9</sup>ни когнитив-стилистик таҳлил қилиш мажмуавий методикаси уни матндан олдинги, матн ичидаги ва матндан кейинги босқичларда матндан бевосита чиқариладиган маълумотлар асосида фаоллашувчи билим парчаларидан ташкил топган, ягона фреймли структурали талқонга эга, динамик характердаги мураккаб когнитив ҳосил сифатида кўриб чиқишни назарда tutади.

Матндан олдинги босқичда сарлавҳа таҳлили матнин кейинчалик талқин қилиш ва сарлавҳанинг ягона фреймини ажратишга йўналтирилган тахминий хулосалар ва когнитив мақсадларнинг шаклланишига бориб боғланади. Матн ичидаги босқичга эса матн мазмунини бевосита очиб бериш жараёни сифатида сарлавҳа семантик структурасининг кенг қўлланилиши ва генератив имкониятларини аниқлаштирувчи турли илгари суриш воситаларини излашни тақозо этади. Матндан кейинги босқич сарлавҳа семантик структурасидаги муайян моделни шакллантиришдан иборат бўлиб, бунда унинг ягона талқин фрейми структурасида қайд қилинган турли компонентлар белгилаб олинади.

Сарлавҳани когнитив-стилистик таҳлил қилиш натижалари унинг таркибиди қайд қилинган тил бирликлари, шунингдек, матнда кенг семантик-стилистик имкониятни таъминловчи илгари суриш воситалари салтент хусусиятларининг кенг палитрасини ифодалашидан, қолаверса, холит ҳолда сарлавҳанинг генератив имконияти ҳамда мазмуний структураси тараққиёти динамикасини белгиловчи биллиш когнитив тамойиллари, механизмлари ва структураларининг фаоллаштирилишидан далолат беради.

## ХУЛОСА

1. Илгари суриш ҳодисасини тадрок қилишга доир когнитив-стилистик ёндашув бадний матнда илгари суриш воситаларининг ҳосил бўлиш ва концептуал намоён бўлиш асосини белгилаб берувчи аттрактив хусусиятлар, когнитив тамойиллар, жараёнлар ва механизмлар, шунингдек, функционал ўзига ҳосилларининг мураккаб палитрасини чуқур мажмуавий таҳлил қилиш ва кенгрок тавсифлашни таъминлайди.

2. Бадний матнда илгари суришни амалга оширишнинг дисоний-нутқий шакллари ва усулларининг хилма-хиллиги ва, ўз навбатида, уларнинг индивидуал-стилистик ўзига ҳосилти когнитив структуралар ва жараёнлар билан ўзаро алоқадорликда ахборотни ташқи ва ички даражаларда узатиш (трансляция қилиш) нинг ўзига ҳосиллини белгилайди. Мазкур барча омиллар умумлингвистик тушунилиши жиҳатидан, жумладан, намоён этилиши (манifestацияси) матн яратилишининг лингвокреатив ўзига ҳосилти, хусусан, меълий тил воситалари ҳамда адабий-бадний стиль меъёрлари қўлланилишининг ижодий характерига асосланган (дисоний ва ментал компонентларни интеграцияланган ҳолда тавсифлаш имконини

<sup>9</sup> Lawrence D.H. *LovelyLady // English Story (Англиский рассказ XX века)*. Сб. 2. Из англ. яз. – М.: Международн, 2002. – P. 168-194.



биринчи ўринга ҳўловчи) когнитив аниқлашни нуқтан назардан илгари суриш ҳодисасининг кўп қирраллигидан далолат беради.

3. Илгари суриш назарияси инглиз тилидаги бадний матнин когнитив-стилистик таҳлил қилиш асосида илгари суришнинг лисоний ва когнитив механизмлари хилма-хиллигига асосланади. Бу эса, ўз навбатида, ажратилганликнинг мураккаб кўп қиррали характери билан фарқлашиб турувчи универсал стилистик ҳодиса сифатидаги талқини асосида ёритилади. Илгари суриш воситалари, хусусан, лисоний девнациялар тил меъёрлари ва бадний адабиёт қонуниятлари умумий тизими фонда ажратилади ва натижада, матнин яратиш ва ахборотни инфодалашда девиант шакллари илгари суришнинг индивидуал-муаллифлик ибтидодини ва конструктив характерини таъминлайди. Матнда тил структуралари ва маъноларини тартибга солишга асосланган илгари суриш тили – параллелизмнинг ажратилиши илгари суриш ҳодисасининг дихотомик табиатидан далолат беради ва шу орқали илгари суриш воситаларини уларнинг ҳосил бўлиш ва контекстуал амал қилишидаги лисоний ва ментал механизмларнинг барча турларида кўриб чиқиш имконини беради.

4. Бадний матнда лисоний девнация (четлашиш) ва параллелизм мисолларининг салиентлиги уларнинг когнитив ва онтологик хусусиятларни узатишга йўналтирилганлиги билан белгиланган. Ушбу хусусиятларга мувофиқ, концептуал нуқтан назардан нисбатан муҳим ахборот парчалари ва қабул қилиш (ўзлаштириш) ташловчанлигини ҳамда адресат диққатини қаратишни характерловчи аттрактив ўзига хос хусусиятлар мулоқот жараёнида олдинги планга сурилади.

5. Илгари суриш мажмувий белгилашдаги энг асосий омил унинг бадний асар матнида ахборотнинг лисоний ва ментал тарзда инфодаланиши ҳамкорлигига доир ўзига хослиқни акс эттирувчи кўп қиррали когнитив-стилистик ҳосила, мажмувий механизм сифатида кўриб чиқилишдир. Илгари суриш жараёнини фаоллаштириш асосини тил воситалари индивидуал-муаллифлик модификацияси ва турли когнитив контекстлар, хусусан, олам ҳақидаги билим, тил ҳақидаги билим, тил ва бадний асар матни стили ҳамда бевосита ахборот узатиш ва систем-структур тузилиши кесимида олинган матн каби омилларнинг интеграллашуви ташкил этади.

